INSON MANFAATLARI – OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH-ADOLATDADIR

# ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2007 йил 5 октябрь, жума № 42 (640)

*Партия кўзгуси*

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VIII Пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг Сиёсий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, вилоят Кенгашлари котиблари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди**





Пленумда 2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида "Адолат" социал-демократик партиясининг иштироки тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Дилором Тошмуҳамедованинг маърузаси тингланди. Партия етакчиси ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат ҳаётида ғоят муҳим сиёсий воқелик эканлигини қайд этган ҳолда, унинг мустақил Ватанимиз тараққиётида улкан аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси мамлакатимиз тараққиёти янги босқичга кўтарилган бир пайтда бошланаётгани билан эътиборлидир, – деди нотиқ. – Бинобарин, республикамизда кўппартиявийлик тизими тобора такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Айниқса, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилингани демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шу маънода айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятини такомиллаштириб бориш асносида, муайян тажриба орттирмоқда, ўз салоҳиятига, ўз кучига эга бўлиб бормоқда. Президент сайлови эса сиёсий партиялар, шу жумладан, "Адолат" СДП зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бир сўз билан айтганда, мазкур сайлов партиямиз ва унинг аъзолари учун, таъбир жоиз бўлса, муҳим синов, имтиҳондир...

Маърузада, шунингдек, сайловда иштирок этиш "Адолат" СДП учун мамлакат сиёсий майдонида янада чиниқиш, тобланиш, тажриба орттириш, қолаверса, кўппартиявийлик шароитида бошқа партиялар билан сиёсий рақобатга киришиш борасида ҳам катта мактаб вазифасини ўташлиги уқтириб ўтилди.

Пленум иши муҳокамаларида парламентнинг қуйи палатаси депутатлари Худоёр Маматов, Исмоил Саифназаров, Юсибжон Нишонов, партия Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров, вилоят Кенгашлари котиблари Ҳамидхон Аҳмадхўжаев, Ҳайдар Исломов, Фарида Пармонова, Абдуқаҳҳор Аҳмедов ва халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Нўъмон Насимовлар иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги партиянинг иштироки тўғрисидаги таклифни маъқуллашди, барча бўғиндаги партия ташкилотлари сайловга жиддий тайёргарлик кўриб, уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Пленумнинг якуний қарорида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши бу сайлов демократиянинг тараққиёт даражасини баҳоловчи мезон бўлишини англаган ҳолда партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, электорат ва жамият олдида турган масъулиятини ҳис этиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Пленумда, шунингдек, шу йилнинг октябрь ойида партиянинг навбатдаги Қурултойини чақириш ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Ғофуржоновна Тошмуҳамедова номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун Қурултой муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.







**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Адолат" мухбири**
**Носир ҲАЙДАРОВ**
**олган суратлар.**

# ЎзЛиДеП СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 4 октябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) Сиёсий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий кенгаши, парламентдаги фракцияси аъзолари, мазкур партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари ва фаоллари иштирок этди.

Мажлисда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда сўзга чиққанлар 2007 йилнинг 23 декабрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа эканини таъкидладилар.

Ушбу партия ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида ўз дастурий мақсадларини ҳаётга изчил татбиқ эта бориб, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда ҳаракатлантирувчи куч бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини амалда ифода этувчи сиёсий кучга айланди.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, бунда мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилиши, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳаларини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш борасида бошланган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттиришда фаол қатнашиш заруратидан келиб чиқди.

Мажлисда, шунингдек, 2007 йилнинг ноябрь ойи бошида партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси 2-4 октябрь кунлари давом эттирилди**

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Тўхтабоев тақдим этган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар қонун лойиҳасининг айрим қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор фикр-мулоҳазалар билдиришди. Мазкур ҳужжат киритилган тузатишлар инобатга олинган ҳолда масъул қўмита томонидан маромига етказилганидан ва моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин Қонун қабул қилинди.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар ва таклифларни эшитиб, муҳокама қилдилар. Қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида қонун лойиҳасидан айрим нормалар чиқариб ташланди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ушбу ҳужжатни қабул қилинган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказишни ва учинчи ўқишда муҳокамага киритишни топширди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Б.Нурмедовнинг маърузаси бўйича депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни муҳокама қилиб, унинг асосий қоидаларини маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев тақдим этди. Депутатлар муҳокама чоғида тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов маъруза қилди. Муҳокама чоғида депутатлар мамлакатимизнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар ҳамда мазкур ҳужжатни яхшилашга қаратилган таклифлар киритишди. Қонунчилик палатаси келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

**(ЎзА)**




**Пойтахтимизда давом этаётган "New: хаёл ва ҳақиқат" мавзуидаги IV Халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси доирасида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Германия видеоартига бағишланган лойиҳа тақдимоти бўлиб ўтди.**

*Республика Банк-молия академиясининг Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида "Ўзбекистон банк-молия тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.*

**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус шаҳар филиалига 654 миллион сўмлик замонавий тиббий ускуналар келтирилди.**

*Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутолаа байрами-2007" китобхонлик ўн кунлиги якунланди.*

**Тошкентда "Марказий Осиёда атроф-муҳит муаммолари, уларнинг оқибатлари ва ҳал этиш йўллари" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни ўтказишдан мақсад минтақамизда экологик аҳволни яхшилаш учун мамлакатимиз ва хориж олимларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат.**

*"Бухоро-Палас" меҳмонхонаси "Ўзбектуризм" тизимидаги "Йилнинг энг яхши отели" деб топилди. Меҳмонхонада сўнгги ўн йил мобайнида 130 мингга яқин хорижлик сайёҳга малакали хизмат кўрсатилди.*

**Хоразм Маъмун академиясида «Магнит ва ўта ўтказувчан материаллар» номли халқаро конференция ўтказилди. Хива шаҳрида ўтган мазкур анжуманда Россия, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Эрон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, АҚШ сингари йигирмадан зиёд мамлакатлардан келган юзга яқин олим ва тадқиқотчилар иштирок этди.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва муаммолар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ЕХҲТ лойиҳаларининг мамлакатимиздаги мувофиқлаштирувчиси офиси билан ҳамкорликда тайёрланган "Дунё омбудсманлари" ва "Омбудсмани мира" тўпламларининг тақдимоти ўтказилди.**

*Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича бешинчи халқаро саммит ниҳоясига етди. Унда Озарбойжон, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон, Канада, Жанубий Корея, Япония, Голландия, Россия, Тожикистон, Таиланд ва Украина мамлакатларидан 300 нафардан ортиқ делегат иштирок этди.*

*Ватан ҳимояси – муқаддас бурч*

# УЛКАН ШАРАФ

Айни кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 29 августда қабул қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорига асосан жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Бахтиёр Маҳмудов, Ўзбекистон Қуролли Кучлари фахрийси Абдулла Ортиқов, Ҳамза тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Орзуой Идрисова ва бошқалар юртимизда ҳарбий хизмат энг обрў-эътиборли касблардан бирига айланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

Бугунги кунда миллий армиямиз сафларига жисмоний жиҳатдан соғлом, маънавий етук йигитлар саралаб олинмоқда. Бу жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи полковник Рашид Арамовнинг маълум қилишича, пойтахтимизда жорий кузги чақирув мавсумига ҳар қачонгидан кўра пухта тайёргарлик кўрилган. Хусусан, дастлаб туман мудофаа ишлари бўлимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ҳамкорлигида чақирилувчиларнинг оилавий шароити ўрганиб чиқилди. Бўлажак Ватан посбонлари ва уларнинг ота-оналари ўртасида Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматга оид қонунчилигидаги янгиликлар, Қуролли Кучларимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Чақирилувчилар малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Жисмоний тайёргарлиги, интеллектуал ва билим даражаси синаб кўрилди.

- Набирам Султонбекнинг барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ҳарбий хизматга жўнаётганидан беҳад мамнунман, - дейди учтепалик Акбарбек Каримбеков. - Ватан ҳимоячиси бўлиш эса ҳар бир йигит учун улкан шарафдир.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# «АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

**Янгибозор туман Кенгаши Урганч Давлат университети талабалари билан учрашув ўтказди. Унда туман Кенгашининг биринчи котиби Дилдора Мадаминова сўзга чиқиб, талабаларга партиянинг дастури ва вазифалари тўғрисида тушунча берди.**

Когон шаҳридаги ҳарбий қисмда шаҳар Кенгаши ташаббуси билан тадбир ўтказилди.

**Қоракўл туман Кенгаши ташаббуси билан «Қоракўл дон маҳсулотлари» очиқ акционерлик жамиятида «Гиёҳвандлик – аср вабоси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда гиёҳвандлик жамиятнинг энг катта иллати эканлиги таъкидлаб ўтилди.**

Вобкент туманидаги 1-сон Арабхона қишлоқ фуқаролари йиғинида "Қариндош-уруғлар ўртасида тузилган никоҳларнинг салбий оқибатлари" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

**Жалақудуқ туман Кенгаши ташаббуси билан «Ёрқишлоқ» қишлоқ фуқаролари йиғинида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарорига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Улуғнор туманидаги «Мингбулоқ» ва «Мингчинор» қишлоқ фуқаролари йиғинларида «Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли» мавзусида суҳбат бўлиб ўтди. Унда туман Кенгаши котиби М.Саттаров ва қишлоқ фаоллари иштирок этишди.

**Булунғур туман ҳокимлигида «Устоз - улуғ зот» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда туман Кенгаши аъзолари ва ўқитувчилар иштирок этишди.**

